

## Пайғамбарликни даъво қилганлар

Image not found or type unknown



12:36 / 08.05.2024 2247

هُلِّلَا يِضَرَ رَؤْيِرُهُ يِبَا نَع  
هُلِّلَا يِلَّصَّ يِبَّنْلَا نَع هُنَع  
مُوقَاتِ آلَ «: لَأَقَمَّ لَسَوِ هِيَلَع  
نَوْلُجَدَثْ غُبِّي يَّتَحُّ عَاسْلَا

نَبِيثَاتٌ نَمُّ بِرَقٍ نُوْبٌ اَذَكُ  
يَهْلِلُ لَوْ سَرُّهُ نَأْمُ غَزِيٍّ مَهْلُكُ  
عَبْرًا لَهَا هَاوَرُ

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Дажжоллар, каззоблар чиқмагунича Қиёмат қойим бўлмайди. Улар ўттизга яқин бўлади, ҳаммаси ўзини Аллоҳнинг Расули деб даъво қилади»**, дедилар».

*Тўртовлари ривоят қилганлар.*

**Шарҳ:** «Дажжол» сўзи бу ерда макр-ҳийла қилувчи, адаштирувчи, алдовчи деган маънода келмоқда.

هُنَعٌ هَلَلَا يَضَرَّ نَابُوثَ نَع  
هَيْلَعٌ هَلَلَا يَلَّصَّ يَبْنَلَا نَع  
مُوقَاتٌ آلٌ: لَأَقَمَّ لَسَو  
لِيَأْبَقَ قَحْلَتِ يَّتَحُّ عَاسَلَا  
نِيكَرُشُمْلَابِ يَّتْمَأُ نَم  
هُنِإَوَ نَأْتُوَالَا اُوْدُبُعِي يَّتَحَو  
نُوثَالَتِ يَّتْمَأُ يَفُّ نُوَكِّيَس

هٰنَا مُعْزِي مَهْلِكَ نُوْبِ اَدَّكَ  
اَلَنِيَّيْبِن لَامَتَاخ اَنَّاوِيَّيْبِن  
يِذْمَرْت لَاهَاوَر . «يِدْعَبُ يِئْبِن  
دُوَادُ وُبَّأُو

Савбон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Менинг умматимдан баъзи қабилалар мушрикларга қўшилиб кетмагунича, бутларга сиғинмагунича Қиёмат қойим бўлмайди. Келгусида умматимда ўттизта каззоб чиқади, ҳаммаси ўзини пайғамбар деб даъво қилади. Ҳолбуки, мен набийларнинг хотими - тугатувчисиман, мендан кейин набий келмайди».**

*Термизий ва Абу Довуд ривоят қилганлар.*

**Шарҳ:** Имом Аҳмад раҳматуллоҳи алайҳнинг ривоятларида каззоблар йигирма еттита бўлиши, улардан тўрттаси аёл киши бўлиши ҳам айтилган. Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳаётлик даврларида улардан учтаси - Мусайлиматул-Каззоб, Ансий ва Ибн Сайёдлар чиққан бўлиб, улар ҳақида ривоятлар ҳам бор.

Пайғамбар алайҳиссаломдан кейин ҳам пайғамбарлик даъвосини қилган кимсалар чиққан. Мазкур каззоблар ичида Мухтор Сақафий, Фулом Аҳмад Қодиёний, Баҳоуллоҳ ва бошқалар бор.

**«Фитналар ва Қиёмат аломатлари» китобидан**